



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 25 » avgust

№ 424

Toshkent sh.

“Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш, шунингдек, “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг **янги механизмлари**, жумладан, **кўчмас мулкларни бўлиш ва бирлаштиришнинг тартиб-таомиллари асослари белгиланганлиги** маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига қуйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ва ягона ҳужжатга бирлаштириш;**

жисмоний ва юридик шахсларнинг **кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари** юзага келганлиги, бошқа шахсга ўтганлиги, чекланганлиги ва бекор қилинганлиги **фактини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомили;**

кўчмас мулкни бўлиш, бирлаштириш ва уларнинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиб-таомили ҳамда ушбу хизматларни кўрсатганлик учун ундириладиган тўловлар миқдори;

давлат рўйхатидан ўтказилиб, бу ҳақда гувоҳнома берилган кўчмас мулкларни электрон тарзда давлат реестрига киритиш ва ундан кўчирма бериш, шу жумладан, мазкур хизматларни бепул амалга ошириш.

3. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 25 августдаги 424 -сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарорида:

а) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Белгилансинки, иловада қайд этилган кўчмас мулк объектларига кадастр ишини тайёрлаш ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш давлат хизматлари қийматидан 10 фоизи Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади”;

б) иловада:

IV бўлимнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“IV. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш”;

4.2 ва 4.3-позициялар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 4.2	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 100 квадрат метрдан 300 квадрат метргача бўлган тураржой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 2,0 баравари
4.3	Жисмоний шахсларнинг умумий майдони 300 квадрат метрдан ортиқ бўлган тураржой кўчмас мулк объектлари ва давлат реестридан кўчирмалар	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 3,0 баравари

”;

4.12-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ 4.12	Ипотекани, шунингдек, ижара ҳуқуқини (ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқи бундан мустасно), ер участкаси бўйича сервитутни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда гаров хатини расмийлаштириш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,25 баравари
--------	---	--

”;

Қуйидаги мазмундаги VI бўлим билан тўлдирилсин:

“ VI. Кўчмас мулкни бўлиш, бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш			”;
6.1	Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,0 баравари	
6.2	Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш	Базавий ҳисоблаш миқдорининг 1,0 баравари	

в) изоҳлар қисмида:

2-банднинг “б” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишда:

фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда;

аввал давлат рўйхатидан ўтказилиб, амалда бўлган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилган ёки ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатга устхат ёзиш йўли билан тасдиқланган) тўғрисидаги маълумотларни электрон тарзда давлат реестрига киритиш ва реестрдан кўчирма бериш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аҳоли пунктларининг номланиши ва чегаралари ўзгарганда, шу жумладан, бир ҳудуддан бошқа ҳудудга ўтказилганда (турар ёки нотурар кўчмас мулк объектида реконструкция, қўшимча ва алоҳида қурилиш мавжуд бўлган ҳамда ҳуқуқ бошқа шахсга ўтган ҳоллар бундан мустасно);

тадбиркорлик субъекти – юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва (ёки) фирма номи ўзгарганда”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 октябрдаги 846-сон қарори билан тасдиқланган Моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатининг “Хоразм вилояти” блоки 196-позициясининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ” устунидаги “Хоразм вилояти маданий мерос бошқармаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида” сўзлари “Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси оператив бошқарув ҳуқуқи асосида” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорида:

а) 1-бандда:

учинчи – бешинчи хатбошилар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 2-иловага;

Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 3-иловага;

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти 4-иловага”;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

саккизинчи – тўққизинчи хатбошилар тегишинча еттинчи – саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

еттинчи хатбошидаги “5б-иловага” сўзлари “5а-иловага” сўзлари билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги “5в-иловага” сўзлари “5б-иловага” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2 – 4-иловалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг

2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига
2-илова

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент жисмоний ва юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари юзага келганлиги, бошқа шахсга ўтганлиги, чекланганлиги ва бекор қилинганлиги фактини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент қоидалари фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлган ер қаърига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

воситачилар – давлат хизматлари марказлари, нотариал идоралар, нотариуслар, риэлторлик ташкилотлари, тижорат банклари ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлиги;

рўйхатдан ўтказувчи орган – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) Давлат кадастрлари палатаси;

ҳудудий бошқарма – Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари.

4. Жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг ваколатли вакиллари (кейинги ўринларда – ариза берувчи) кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар юзага келганда, бошқа шахсга ўтганда, чекланганда ёки бекор бўлганда, ушбу ҳолат юзага келган кундан бошлаб бир ой муддатда “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (кейинги ўринларда – Қонун) кўрсатилган тегишли ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни илова қилган

ҳолда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари юзага келганлиги, бошқа шахсга ўтганлиги, чекланганлиги ва бекор қилинганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки воситачилар орқали, гаров хати расмийлаштирилганда эса – ҳудудий бошқармага мурожаат қилади.

5. Юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлари рўйхатдан ўтказувчи орган ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ариза берувчиларнинг мурожаатига асосан ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилади.

Мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилган ер участкасида якка тартибдаги турар жой нотурар жой тоифасига ўтказилган тақдирда, ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Доимий эгалик ёки доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган ер участкасидаги нотурар жой якка тартибдаги турар жой тоифасига ўтказилганда, ер участкаси мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказилади.

6. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилашда табақалаштирилган ёндашув тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори билан белгиланган миқдорларда йиғим ундирилади.

7. Воситачилар орқали қуйидаги хизматлар бўйича аризалар тақдим этилади:

давлат хизматлари марказлари – кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

нотариал идоралар ва нотариуслар томонидан – нотариал ҳаракатлар асосида юзага келадиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

тижорат банклари томонидан – ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш;

Давлат активларини бошқариш агентлиги – хусусийлаштириш ҳамда “Е-auksion” электрон савдо платформасида аукцион орқали сотиш натижасида юзага келадиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;

риэлторлик ташкилотлари – риэлторлик хизматларини кўрсатиш натижасида юзага келадиган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш.

2-боб. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартиби

8. Ариза берувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун воситачига мурожаат этади, давлат хизматида электрон

шаклда фойдаланиш учун ЯИДХПда ёки рўйхатдан ўтказувчи органнинг веб-сайтида (кейинги ўринларда – веб-сайт) рўйхатдан ўтади.

9. Ариза берувчи ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун воситачига мурожаат этганда, воситачи ходими ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат этган тақдирда эса, ушбу Регламентга 2-иловадаги шаклга мувофиқ давлат хизматидан фойдаланиш учун аризани электрон шаклда мустақил тўлдиради. Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилган тақдирда, сўровномага белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома илова қилинади.

Аризага Қонунда назарда тутилган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Бир йилдан кам бўлмаган муддатга тузилган кўчмас мулк объектларини ижарага бериш шартномаси ҳам давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Аризада кўчмас мулк объектининг тури, давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳуқуқ, кадастр йиғмажилди тайёрланган ёки қайта расмийлаштирилган кўчмас мулк объектининг номи ва йиғмажилд тайёрланган сана (мавжуд бўлса) кўрсатилади.

Воситачилар томонидан ариза берувчилардан Қонунда ва ушбу бандда назарда тутилмаган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

10. Зарур маълумотлар аризага киритилгандан сўнг ариза берувчи уни ўз электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда – ЭРИ) билан тасдиқлайди.

Ўзи келиб мурожаат этган тақдирда, аризани ЭРИ билан тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда, тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

11. Давлат хизматлари кўрсатилгани учун ушбу Регламентнинг 6-бандига мувофиқ йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда, кўрсатилган хизматлар учун белгиланган йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тўлов миқдори кўрсатилган хабарнома (инвойс) воситачиларга (ўзи келиб мурожаат этган тақдирда) ёки ариза берувчига (электрон шаклда мурожаат этган тақдирда) электрон тарзда юборилади.

Воситачилар тўлов суммаси кўрсатилган хабарнома (инвойс) келиб тушганидан сўнг реал вақт режимида бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.

Ариза берувчи хабарномада кўрсатилган миқдорда йиғим суммасини тўлайди.

Давлат хизматлари кўрсатилганда тўлов тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

12. Йиғим суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда:

18 фоизи – Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

10 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 80 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади;

б) нотариал идоралар ёки нотариуслар орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

10 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 80 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади;

в) Давлат активларини бошқариш агентлиги, риэлторлик ташкилотлари ва тижорат банклари орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 80 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади;

г) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлиги бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи – давлат хизмати ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

10 фоизи – Кадастр агентлигининг бюджетдан ташқари жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағнинг 80 фоизи рўйхатдан ўтказувчи орган ҳисобварағига, 20 фоизи тегишлилиги бўйича ҳудудий бошқармаларнинг ҳисобварағига ўтказилади.

13. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгунига (давлат реестрига ёзув киритилгунга) қадар бош тортиш ҳуқуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг аризаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Ариза берувчи воситачига келиб мурожаат этганда унинг аризаси воситачи ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқланганидан сўнг барча ҳужжатлар реал вақт режимида ҳудудий бошқармага электрон шаклда юборилади. ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда эса ариза автоматик тарзда ҳудудий бошқармага юборилади.

15. Ҳудудий бошқарманинг рўйхатдан ўтказувчиси (кейинги ўринларда – рўйхатдан ўтказувчи) ариза келиб тушгандан сўнг Қонунда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда:

аризани ўрганиб чиқади;

ариза кўриб чиқиш учун қабул қилинган тақдирда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга оширади;

аризани кўриб чиқиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга ошириш натижасини воситачига юборади;

ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат қилинганда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга ошириш натижасини ариза берувчининг электрон манзилига юборади ёки талабгорни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали хабардор қилади.

Тақдим этилган ҳужжатларда бартараф этилиши зарур бўлган ёки қўшимча ҳужжатларни талаб этадиган камчиликлар мавжуд бўлганда, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш уч иш кунига тўхтатиб турилиши мумкин. Бундай ҳолда рўйхатдан ўтказувчи кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилганлиги тўғрисида воситачи ва (ёки) ариза берувчини бир иш кун ичида хабардор қилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга ошириш натижасига кўра рўйхатдан ўтказувчи ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказади ва ушбу Регламентга 3-иловада келтирилган намунага мувофиқ Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестридан (кейинги ўринларда – давлат реестри) кўчирма беради ёки ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказишни Қонунда белгиланган тартибда рад этади.

16. Воситачи аризани кўриб чиқиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга ошириш натижаси келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида уни ариза берувчининг электрон манзилига юборади ёки уни бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали

хабардор қилади. Воситачи ариза берувчининг сўровига кўра унга давлат реестридан кўчирмани электрон шаклда ёки қоғоз шаклида бериши мумкин.

17. Ариза берувчи рўйхатдан ўтказиш рад этилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим тўламасдан қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

18. Воситачилар ва ҳудудий бошқармалар ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

19. Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари рўйхатдан ўтказувчи органнинг мазкур Регламент талаблари ижроси бўйича фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

20. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

21. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-илова

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан
ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (жисмоний ва юридик шахслар ёки уларнинг ваколатли вакиллари)	Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш учун воситачига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг веб-сайти (кейинги ўринларда – веб-сайт) орқали рўйхатдан ўтади ҳамда белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширади.	Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар юзага келгандан кейин бир ой муддатда
2-босқич	1. Воситачи (давлат хизматлари марказлари, нотариал идоралар, нотариуслар, риэлторлик ташкилотлари, тижорат банклари, Давлат активларини бошқариш агентлиги) 2. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали 3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасининг веб-сайти	Ариза ва унга илова қилинган хужжатларни Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига электрон шаклда юборади.	Реал вақт режимида

3-босқич	Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари	1. Аризани кўриб чиқишга қабул қилади ёки қабул қилишни рад этади. 2. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга оширади. 3. Давлат реестридан кўчирмани ёки рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисида хабарномани воситачига (ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат этилганда ариза берувчига) юборади.	Қонунда белгиланган муддатларда
4-босқич	Воситачи (давлат хизматлари марказлари, нотариал идоралар, нотариуслар, риэлторлик ташкилотлари, тижорат банклари, Давлат активларини бошқариш агентлиги)	Ариза берувчини давлат рўйхатидан ўтказишга доир ҳаракатларни амалга ошириш натижаси юзасидан хабардор қилади.	Реал вақт режимида

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-илова

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун
АРИЗА

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:	
1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами):	
3. ЖИШПР:	
4. Телефон рақами:	
5. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
II. Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:	
1. Тўлиқ номи:	
2. СТИР:	
3. Телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	
Аризада кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар:	
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат тури, қабул қилинган санаси ва рақами:	
Кўчмас мулк объекти тури:	
Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳуқуқ:	
Кадастр йиғмажилди тайёрланган ёки қайта расмийлаштирилган кўчмас мулк объектининг номи ва йиғмажилд тайёрланган сана (мавжуд бўлса):	

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат
рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-илова

**Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги
Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси**

Сана “___” _____

Давлат реестрининг тартиб рақами _____

**Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестридан
КЎЧИРМА**

“___” _____ да келиб тушган “___” _____ ги буюртма асосида
Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестрига қуйидаги ҳуқуқлар давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги ҳақида ёзув киритилди:

1. Кўчмас мулк объекти:	
Кўчмас мулк объекти тури:	
Кўчмас мулк объекти номи:	
Кадастр рақами:	
Жойлашган жойи:	
2. Рўйхатдан ўтказилди:	
Ҳуқуқ эгаси, ҳуқуқдаги улуш:	
СТИР (ҳуқуқ эгаси юридик шахс бўлганда):	
2.1.Ер участкаси:	
Ҳуқуқ тури:	
Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси:	
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари:	
2.2.Бино ва иншоотлар:	
Ҳуқуқ тури:	
Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси:	
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари:	
2.3.Кўп йиллик дов-дарахтлар:	
Дарахтлар сони, дона:	
Ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш санаси:	
Ҳуқуқни белгиловчи ҳужжат реквизитлари:	
3. Бошқа маълумотлар:	
3.1.Ҳужжат бўйича майдон (га):	
3.2.Амалдаги майдон (га):	
3.3.Давлат рўйхатидан ўтказилган бино ва иншоотлар майдони (кв.м):	
3.4.Тақиқ, хатлов ёки чекловлар мавжудлиги:	
Ипотека давлат рўйхатидан ўтказилганлиги:	

Сервитут давлат рўйхатидан ўтказилганлиги:	
Бинолар ва иншоотлар ёки уларнинг қисмларига бўлган ижара ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги:	
4. Қўшимча маълумотлар:	
...	
...	

Агар сизда кўчирманинг ҳақиқийлигини текшириш зарурати юзага келса, пастки чап бурчакдаги QR-кодни сканерланг.

QR-код

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига
3-илова

Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Регламент:

жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган айрим бинолар ва иншоотларга ёки уларнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтиши муносабати билан ушбу бино ва иншоотлар жойлашган мулк ҳуқуқидаги ер участкаларини;

мулк ҳуқуқида тегишли бўш ер участкасининг бир қисми бошқа шахсга ўтиши муносабати билан;

ҳуқуқ эгасининг мулк ҳуқуқида тегишли бўш ер участкасини алоҳида қисмларга бўлиш бўйича мурожаатига асосан кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномасини (кейинги ўринларда — далолатнома) расмийлаштириш бўйича давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига, кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаларига, муддатли (вақтинчалик) фойдаланиш ҳуқуқида бўлган ер участкаларига, ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаган кўчмас мулкларга, шунингдек, кўп квартирали уйлардаги квартиралар ва қурилиши тугалланмаган объектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Далолатномани расмийлаштириш ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Далолатнома қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиаллари (кейинги ўринларда — филиаллар):

ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномасини тузади;

кўчмас мулкнинг бўлиниши натижасида ҳосил бўлган алоҳида кўчмас мулк объектларининг манзилларини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгилайди;

б) далолатнома Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги туман (шаҳар) курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари (кейинги ўринларда – курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари) билан келишилади.

2-боб. Кўчмас мулкни бўлиш ҳамда унинг янги чегараларини белгилаш хусусиятлари

5. Умумий биргаликдаги мулкни бўлиш ушбу умумий мулк иштирокчилари ўртасидаги келишувга ёки суд қарорига асосан амалга оширилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга ижара, доимий фойдаланиш, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқларида тегишли бўлган ер участкаларининг бино ва иншоот бўлмаган бўш қисмини алоҳида қисмларга бўлишга йўл қўйилмайди.

6. Кўчмас мулкни бўлиш далолатномасини расмийлаштиришда:

а) янги ташкил этилаётган кўчмас мулклар ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган бўлиши зарур;

б) бўлиш ер участкасига нисбатан амалга оширилганда ер участкаси бўлинадиган бўлиши;

в) ер участкалари ёнғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда янгидан ташкил этилиши ҳамда бўлиш амалга оширилганидан кейин ҳосил бўлган қисмларнинг ҳар бири мустақил ер участкасини ташкил этиши;

г) мулк ҳуқуқида бўлган ер участкасини бўлиш натижасида ҳосил бўлган ер участкаси келгусида ундан асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва курилиш ишларини амалга ошириш имкони мавжуд бўлиши зарур;

д) якка тартибдаги турар жой биноларининг бир қисми бошқа шахсга ўтиши натижасида юзага келадиган алоҳида ер участкаларида жойлашган бино ёки бино қисмида камида битта яшаш хонаси, ошхона ҳамда ҳожатхона мавжуд бўлиши лозим, мулк ҳуқуқида тегишли бўлган ер участкаси бундан мустасно;

е) ер участкаларининг эгалари ёки ундан фойдаланувчилар мустақил равишда ер участкасига умумий фойдаланишдаги ер участкаси орқали ўтиш имконидан маҳрум бўлиб қоладиган бўлса, ер участкаси бўлинишига йўл қўйилмайди;

ж) ер участкасининг янги чегаралари унинг бўлинишидан аввалги чегаралари асосида белгиланиши лозим, бунда янги ер участкаларининг майдонлари йиғиндиси ҳамда чегаралари аввалги чегара ва майдондан фарқ қилишига йўл қўйилмайди;

з) бўлинаётган ер участкасига туташ ўзбошимча эгаллаб олинган ер участкалари томонлар ўртасида бўлинишига ва далолатномада кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

7. Кўчмас мулкни бўлиш натижасида янги пайдо бўлган кўчмас мулкларга кадастр йиғмажилди (кадастр паспорти) далолатнома асосида тайёрланади.

8. Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишда давлат хизматлари марказлари, филиаллар ва қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ҳамкорлик ёрдамида амалга оширилади.

9. Кўчмас мулкнинг бўлинганлиги ҳуқуқ эгасига кўчмас мулкнинг конструктив элементларини ўзгартириш ҳуқуқини бермайди.

3-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

10. Кўчмас мулкларнинг ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг вакиллари (кейинги ўринларда – ариза берувчи) далолатнома расмийлаштириш учун давлат хизматлари марказига ўзлари келиб мурожаат этадилар ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти орқали (кейинги ўринларда – веб-сайт) давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтадилар.

11. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда давлат хизматлари маркази ходими – ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил равишда, ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ электрон шаклдаги сўровномани тўлдирадилар ҳамда давлат хизматидан фойдаланиш учун тўловни амалга оширадилар.

Ариза берувчи сўровномани тўлдиришда далолатнома расмийлаштириш келишилган ҳолда, бўлинган кўчмас мулкка кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш хизматларидан фойдаланиш учун ариза автоматик тарзда шакллантирилишини танлашлари мумкин.

12. Далолатнома расмийлаштириш бўлинаётган кўчмас мулкдаги айрим бино ва иншоотларга ёки уларнинг бир қисмига бўлган мулк ҳуқуқларининг бошқа шахсга ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва ҳуқуқ эгаларининг (вакилининг) сўровномалари ёки кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ эгасининг ўзига мулк ҳуқуқида тегишли бўлган кўчмас мулкни алоҳида қисмларга бўлиш ҳақидаги сўровномаси асосида амалга оширилади.

Мулк ҳуқуқида тегишли якка тартибда уй-жой бўлган кўчмас мулкни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш нотариал тартибда амалга оширилади.

Учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилинаётганда сўровномага белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома илова қилинади.

Давлат хизматлари маркази томонидан ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

13. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат этган ҳолларда сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

14. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда уларнинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар реал вақт режимида филиалга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда филиалга юборилади.

15. Давлат хизмати кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда кўрсатилган хизматлар учун йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

16. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан далолатнома ҳуқуқ эгалари томонидан имзолангунга қадар воз кечиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан воз кечганда унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим қайтарилмайди.

17. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

18. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) Давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисоб варағига;

20 фоизи – Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Курилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи – давлат хизмати ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати кўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

в) веб-сайт орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Курилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

19. Филиал сўровнома келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида кўчмас мулк жойлашган жойида кўчмас мулкни бўлиш имкониятини ўрганади. Бунда, филиал томонидан ушбу Регламент 5-бандининг талаблари ва 6-бандининг “д”, “е”, “ж”, “з”-кичик бандларида кўрсатилган талаблар асосида кўчмас мулкни қисмларга бўлиш ёки чегараларини ўзгартириш мумкинлиги кўриб чиқилади.

Ўрганиш натижасига кўра, филиал жойнинг ўзида мавжуд чегара элементлари ҳамда ҳуқуқ эгаси(лари) билан келишувга асосан кўчмас мулкларнинг янги чегараларини ва кўчмас мулкда жойлашган бино ва иншоотларнинг жойлашиши бўйича ўзгаришларни қайд этган ҳолда абрис тайёрлайди ва тайёр абрис ижрочи, шунингдек ҳуқуқ эгаларининг имзоси билан тасдиқланади.

Филиал жойида олиб борилган ўрганишлар ва тасдиқланган абрисга асосан кўчмас мулкларнинг кадастр режаси илова қилинган далолатномани тайёрлайди ёки рад этишнинг аниқ сабабларини ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда уни тайёрлашни рад этади.

Кўчмас мулкнинг бўлиниши натижасида далолатномага илова қилинган кўчмас мулкнинг кадастр режасида бўлинаётган кўчмас мулк ҳамда янги яратилаётган кўчмас мулкларнинг чегаралари кўрсатилади.

20. Филиал томонидан далолатнома тайёрланган куни филиал бошлиғи ва ижрочи далолатнома лойиҳасини ўз ЭРИси билан тасдиқлайди ҳамда далолатнома марказга (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП

ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) аризачига электрон шаклда юборилади.

Далолатномани тайёрлаш рад этилган тақдирда, рад этиш тўғрисидаги хабарнома филиал бошлиғининг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда марказга (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) аризачига юборилади.

21. Давлат хизматлари маркази далолатнома ва кўчмас мулкнинг кадастр режаси келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.

22. Далолатнома 3 иш куни мобайнида ҳуқуқ эгалари томонидан давлат хизматлари марказига келиб (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) идентификация қилиш воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) орқали ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) ҳуқуқ эгаларининг ЭРИси билан келишилади.

23. Ҳуқуқ эгалари томонидан келишилган далолатнома ва унга илова қилинган электрон шаклдаги кадастр режаси давлат хизматлари маркази томонидан реал вақт режимида, ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат қилинганда эса автоматик тарзда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимига келишиш учун юборилади.

24. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари далолатнома ва унга илова қилинган электрон шаклдаги кадастр режаси келиб тушгандан сўнг уч иш куни ичида кўчмас мулк жойлашган жойида кўчмас мулкни ушбу Регламент 6-бандининг “а”, “б”, “в”, “г”, “д” кичик бандларида кўрсатилган талаблар асосида қисмларга бўлиш ёки янги чегараларини белгилаш имкониятини ўрганган ҳолда далолатномани келишади ёки рад этишнинг аниқ сабабларини ва тегишли қонунчилик ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда уни рад этади.

Далолатномани келишиш ёки рад этиш қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимининг ЭРИси билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

25. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари далолатномани келишган ёки рад этган куни далолатнома ва кўчмас мулк чегаралари кадастр режаси ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани электрон шаклда марказга (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) юборади.

26. Давлат хизматлари марказига далолатнома ёки далолатномани тайёрлашни рад этиш ҳақида хабарнома келиб тушган тақдирда, марказ хабарнома келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.

Аризани кўриб чиқиш натижалари асосида QR-код (матрицали штрих-код) қўйиб берилган электрон ҳужжатлар асл ҳужжатларга тенглаштирилади.

27. Қуйидагилар давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ушбу Регламентнинг 1, 2, 5 ва 6-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ эмаслиги;

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши;

далолатнома ҳуқуқ эгалари томонидан белгиланган муддатда имзоланмаганлиги;

ер участкаси ва унда жойлашган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги;

кўчмас мулкнинг ҳақиқий ҳолати Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестридаги маълумотлардан фарқ қилиши;

филиал ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари вакилига кўчмас мулкни кўздан кечириш учун имконият яратилмаганлиги;

кўчмас мулкнинг ҳуқуқ эгаларидан бири томонидан далолатномани имзолашдан бош тортганлиги;

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу кўчмас мулк объектининг мансублиги масаласида низолар борлигидан далолат берувчи суд ҳужжатлари ва сўровномаларининг мавжудлиги;

ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилганлиги;

ер участкасида мулк ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказилган бино ва иншоотлар мавжуд эмаслиги, ер участкаси мулк ҳуқуқида бўлган ер участкалари бундан мустасно.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

28. Ариза берувчи давлат хизмати кўрсатилиши рад этилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида давлат хизмати кўрсатиш учун йиғимни тўламасдан кўрсатилган камчиликларни бартараф этиб қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат хизматини такроран кўрсатишда филиаллар ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан аввалги рад этиш асосларида баён этилмаган сабабларнинг келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

Қайта мурожаат этилганда кейинги мурожаатлар ушбу Регламентга асосан умумий тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Давлат хизматлари марказлари, филиаллар ва қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчи ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

30. Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва Давлат хизматлари марказлари давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мазкур Регламент талаблари ижроси бўйича фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

31. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

32. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини
белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
1-илова

**Кўчмас мулкни бўлиш ҳамда унинг янги чегараларини белгилаш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (Кўчмас мулкларнинг хуқуқ эгалари ёки уларнинг вакиллари)	Маълумотнома олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти (кейинги ўринларда – веб-сайт) орқали рўйхатдан ўтади ҳамда белгиланган микдордаги тўловни амалга оширади.	Хоҳишга кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали 3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти	Сўровномани Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тегишли туман (шаҳар) филиали (кейинги ўринларда – филиал)га юборади.	Реал вақт режимда
3-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиали	Филиал кўчмас мулк жойлашган жойида кўчмас мулкни бўлиш имкониятини ўрганади ва абрис тайёрлайди ҳамда ўрганишлар ва абрисга асосан кўчмас мулкнинг кадастр режаси илова қилинган Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатнома (кейинги ўринларда – далолатнома)сини тайёрлаб, уни давлат хизматлари марказларига юборади ёки далолатнома расмийлаштиришни рад этади.	10 иш кунда

4-босқич	Давлат хизматлари маркази	Далолатнома ва кўчмас мулкнинг кадастр режаси келиб тушганлиги ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.	Реал вақт режимида
5-босқич	Ариза берувчи (Кўчмас мулкларнинг ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг вакиллари)	Давлат хизматлари марказига келиб идентификация қилиш воситалари орқали ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали ҳуқуқ эгаларининг ЭРИси билан далолатномани келишади.	3 иш куни
6-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали 3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти	Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни келишиш учун қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимига юборади.	Реал вақт режимида
7-босқич	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари	1. Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни келишади ва уни давлат хизматлари марказига юборади. 2. Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни келишишни рад этади.	3 иш куни
8-босқич	Давлат хизматлари маркази	Далолатнома ёки далолатномани тайёрлашни рад этиш ҳақида хабарнома келиб тушганлиги ҳақида ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.	Реал вақт режимида

Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини
белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
2-илова

**Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

№ _____ йил

Мазкур _____ далолатнома, Давлат _____ кадастрлари _____ палатаси
_____ бошқармасининг _____ туман филиали,
_____ туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари
вакиллари ва кўчмас мулк ҳуқуқ эгалари билан кўчмас мулкни бўлиш
тўғрисида тузилди.

1. Бўлинаётган кўчмас мулк тўғрисидаги маълумотлар:

1.1. Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ эгаси: _____

Кўчмас мулк жойлашган манзил: _____

Ер участкасининг кадастр рақами: _____

Бино _____ ва _____ иншоотнинг _____ кадастр
рақами: _____

Ер участкасининг майдони (м²): _____

Ер участкаси чегарасини ўзгартиришга асос бўлган
ҳужжатлар: _____

Ер участкасининг алоҳида хусусиятлари: _____

2. Кўчмас мулкни жойида ўрганиш натижасида қуйидагилар
аниқланди:

Бино ва иншоотлардан эгалик қилиш (фойдаланиш) тартиби
мулкдорлар ўртасида юқоридаги ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида
белгиланган бўлиб, бўлинаётган ер участкаси Ўзбекистон Республикаси
Ер кодексининг 62-моддаси талабларига мувофиқлиги, яъни ер участкалари
ёхуд ундаги иморатнинг у ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш,
канализация, суғориш қурилмалари ва шу кабилар), кўчмас мулкларнинг
эгалари ёки ундан фойдаланувчилар эса мустақил равишда ўзи ёки
транспортда кириб-чиқиш имконидан маҳрум бўлиб қолмаслиги аниқланди
ҳамда кўчмас мулк эгаларининг ўзаро келишуви, шунингдек, ер
участкасидаги мавжуд ўзгармас элементлар (девор, бино ва х.к.)ни ўрганиш
асосида кўчмас мулклар чегараларига ўзгартириш киритилди.

3. Ер участкаларига ўзгартириш киритилган кўчмас мулклар таркиби
қуйидагилардан иборат:

3.1. Кўчмас мулк эгаси: _____

Кўчмас мулк жойлашган манзил: _____

Ер участкасининг кадастр рақами: _____

Ер участкасининг майдони (м²): _____

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар: _____

Кўчмас мулкнинг алоҳида хусусиятлари: _____

3.2. Кўчмас мулк эгаси: _____

Кўчмас мулк жойлашган манзил: _____

Ер участкасининг кадастр рақами: _____

Ер участкасининг майдони (м²): _____

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар: _____

Кўчмас мулкнинг алоҳида хусусиятлари: _____

4. Ушбу далолатнома, унинг ажралмас қисми сифатида илова қилинган кўчмас мулк чегаралари кадастр режаси билан бирга ҳақиқий ҳисобланади.

5. Кўчмас мулкларнинг эгалари томонидан мазкур далолатноманинг тасдиқланганлиги кейинчалик алоҳида ташкил топган ер участкалари ва ундаги бино ва иншоотларга кадастр йиғмажилдини қайта шакллантириш ва кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

ХУЛОСА:

Ер участкаларига ўзгартириш киритилган кўчмас мулклар мазкур далолатноманинг 3-бандида келтирилган таркибда алоҳида кўчмас мулк деб ҳисоблансин.

Филиал бошлиғи

(Ф.И.О.)

Қурилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги бўлими бошлиғи

(Ф.И.О.)

Филиал муҳандиси

(Ф.И.О.)

Кўчмас мулкка бўлган
ҳуқуқ эгалари

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____ тумани (шаҳри)

Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини
белгилаш далолатномасига
ИЛОВА

ЕР УЧАСТКАСИНING КАДАСТР РЕЖАСИ

(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

Кадастр рақами: _____

Ер участкасининг майдони, га: _____

Масштаб: _____

Ижрочи: _____

(имзоси, Ф.И.О.)

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси: _____

(имзоси, Ф.И.О.)

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси: _____

(имзоси, Ф.И.О.)

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси: _____

(имзоси, Ф.И.О.)

Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини
белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
маъмурий регламентига
3-илова

(санаси)

(рақами)

**Кўчмас мулкни бўлиш ва унинг янги чегараларини белгилаш тўғрисида
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлса):	
3. Телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

I. Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Расмий номи (тўлиқ):	
2. Жойлашган жойи:	
3. Телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

II. Кўчмас мулк объекти тўғрисида маълумот:

1. Кўчмас мулк объекти тури:	якка тартибдаги турар жой; ер участкаси; нотураар жой;
2. Кўчмас мулк объекти номланиши (нотураар жой тоифасидаги объектлар учун):	
3. Кўчмас мулк объекти манзили (индекс, манзил, мўлжал):	
4. Кўчмас мулкнинг кадастр рақами:	

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига
4-илова

**Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш
бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини, бинолар ва иншоотларни уларнинг мурожаатига асосан бирлаштириш ва бирлаштирилиши натижасида ҳосил бўлган мулкнинг янги чегараларини белгилаш далолатномасини (кейинги ўринларда – далолатнома) расмийлаштириш бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Регламент қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларига, кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаларига, ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилмаган кўчмас мулкларга, шунингдек кўп квартирали уйлардаги квартиралар ва қурилиши тугалланмаган объектларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш кўчмас мулкдан фойдаланиш мақсади бир хил бўлган, бир маъмурий ҳудудда жойлашган, умумий чегарага эга бўлган, ҳуқуқ эгасига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ҳолларда амалга оширилади.

4. Далолатномани расмийлаштириш ушбу Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

5. Далолатнома қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси туман (шаҳар) филиаллари (кейинги ўринларда – филиаллар):

ушбу Регламентга 2-иловага мувофиқ шаклда Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш далолатномасини тузади;

кўчмас мулкнинг бирлаштирилиши натижасида ҳосил бўлган кўчмас мулкнинг манзилини Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1010-сон қарори билан тасдиқланган Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгилайди;

б) далолатнома Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари (кейинги ўринларда – қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари) келишилади.

2-боб. Кўчмас мулкни бирлаштириш ҳамда унинг янги чегараларини белгилаш хусусиятлари

6. Кўчмас мулкни бирлаштириш кўчмас мулк мулкдорининг қарорига, мулкдорлар ўртасида тузилган шартномага, давлат ижрочисининг ёки суднинг қарорига асосан амалга оширилади.

7. Кўчмас мулкни бирлаштириш далолатномасини расмийлаштиришда қуйидагилар талаб этилади:

а) янги ташкил этилаётган кўчмас мулклар ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган бўлиши;

б) бирлаштириш ер участкасига нисбатан амалга оширилганда, ер участкаси бирлаштириладиган бўлиши;

в) кўчмас мулк ёнғинга қарши, санитария, экологияга оид, шаҳарсозлик ҳамда бошқа мажбурий нормалар ва қоидаларни бузмаган ҳолда янгидан ташкил этилиши;

г) мулк ҳуқуқида бўлган ер участкасини бирлаштириш натижасида ҳосил бўлган ер участкасида келгусида ўзининг асосий фойдаланиш мақсадини ўзгартирмаган ҳолда бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қурилиш ишларини амалга ошириш имкони мавжуд бўлиши;

д) кўчмас мулкнинг янги чегаралари унинг бирлаштирилишидан аввалги чегаралари асосида белгиланиши, бунда янги кўчмас мулкнинг майдонлари йиғиндиси ҳамда чегаралари аввалги чегара ва майдондан фарқ қилишига йўл қўйилмаслиги;

е) бирлаштирилаётган кўчмас мулкка туташ ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари (бино ва иншоотлар) томонлар ўртасида бирлаштирилишига ва далолатномада кўрсатилишига йўл қўйилмаслиги.

8. Кўчмас мулкларни бирлаштириш натижасида янги пайдо бўлган кўчмас мулкка кадастр йиғмажилди (кадастр паспорти) далолатнома асосида тайёрланади.

9. Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари кўрсатишда давлат хизматлари марказлари, филиаллар ва қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари ўртасидаги ахборот алмашинуви электрон рақамли имзони (кейинги ўринларда – ЭРИ) мажбурий тартибда қўллаш орқали фақат идоралараро электрон ўзаро боғланиш ёрдамида амалга оширилади.

10. Кўчмас мулкнинг бирлаштирилганлиги ҳуқуқ эгасига кўчмас мулкнинг конструктив элементларини ўзгартириш ҳуқуқини бермайди.

3-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

11. Кўчмас мулкларнинг ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг вакиллари (кейинги ўринларда – ариза берувчи) далолатнома расмийлаштириш учун давлат хизматлари марказига ўзлари келиб мурожаат этадилар ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида

(кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти (кейинги ўринларда – веб-сайт) орқали давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтадилар.

12. Ариза берувчи ўзи келиб мурожаат этган тақдирда давлат хизматлари маркази ходими – ариза берувчи номидан, ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат этган тақдирда эса мустақил равишда, ушбу Регламентга 3-иловага мувофиқ электрон шаклдаги сўровномани тўлдиради ҳамда давлат хизматидан фойдаланиш учун тўловни амалга оширади.

Сўровномани тўлдиришда далолатнома келишилган ҳолда, бирлаштирилган кўчмас мулкка кадастр йиғмажилдини тайёрлаш ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш хизматларидан фойдаланиш учун ариза автоматик тарзда шакллантирилиши танланиши мумкин.

13. Далолатнома расмийлаштириш бирлаштирилаётган кўчмас мулкларнинг ҳуқуқ эгалари сўровномаси асосида амалга оширилади.

Давлат хизматлари маркази томонидан ариза берувчидан ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш қатъиян тақиқланади.

14. Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва идентификация қилишнинг тегишли воситалари (дактилоскопия, электрон имзо, Мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди.

Ариза берувчи ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат этган тақдирда сўровномани ЭРИ билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

15. Ариза берувчи давлат хизматлари марказига келиб мурожаат этганда, унинг сўровномаси марказ ходими томонидан тўлдирилиб, ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг барча ҳужжатлар реал вақт режимида филиалга электрон шаклда юборилади. ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат қилинганда эса сўровнома автоматик тарзда филиалга юборилади.

16. Давлат хизматини кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Давлат хизмати кўрсатилиши учун ЯИДХП орқали мурожаат этилганда кўрсатилган хизматлар учун йиғимлар суммасининг 90 фоизи ундирилади.

17. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан далолатнома ҳуқуқ эгалари томонидан имзолангунга қадар воз кечиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан воз кечганда уларнинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йиғим қайтарилмайди.

18. Давлат хизмати кўрсатилгани учун йиғим тўланганлигини тасдиқлаш ахборот-коммуникация тизимлари орқали амалга оширилади.

19. Йиғимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

а) давлат хизматлари марказларига ўзи келиб мурожаат этганда:

18 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

б) ЯИДХП орқали мурожаат этилганда:

10 фоизи – Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисоб варағига;

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварағига;

11,75 фоизи (шундан 0,5 фоизи – давлат хизмати ягона биллинг тизими орқали кўрсатилганда) – Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати қўмитасидаги махсус ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади;

в) веб-сайт орқали мурожаат этилганда:

20 фоизи – Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш марказининг шахсий ҳисобварағига;

қолган маблағлар тўлиқ миқдорда Давлат кадастрлари палатаси ҳудудий бошқармаларининг ҳисобварағига ўтказилади.

Тўловлар давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун тўланган давлат божлари ва йиғимлар суммаси ҳисобини юритувчи Ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади.

20. Филиал сўровнома келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида кўчмас мулк жойлашган жойида кўчмас мулкларни бирлаштириш имкониятини ўрганади. Бунда, филиал томонидан ушбу Регламентнинг 6-банди ва 7-бандининг “д”, “е” кичик бандларида кўрсатилган талаблар асосида бирлаштириш мумкинлиги кўриб чиқилади.

Ўрганиш натижасига кўра филиал ходими жойнинг ўзида мавжуд чегара элементлари ҳамда ҳуқуқ эгаларининг келишувига асосан кўчмас мулкларнинг янги чегараларини қайд этган ҳолда абрис тайёрлайди ва тайёр абрис ижрочи, шунингдек, ҳуқуқ эгаларининг имзоси билан тасдиқланади.

Филиал жойида олиб борилган ўрганишлар ва тасдиқланган абрисга асосан ер участкаларининг кадастр режаси илова қилинган далолатномани тайёрлайди ёки рад этишнинг аниқ сабабларини ҳамда қонунчилик ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда уни тайёрлашни рад этади.

Кўчмас мулкнинг бирлаштирилиши натижасида далолатномага илова қилинган кадастр режасида бирлаштириладиган кўчмас мулклар ҳамда янги ҳосил бўладиган кўчмас мулкнинг чегаралари кўрсатилади.

21. Филиал томонидан далолатнома тайёрланган куни филиал бошлиғи ва ижрочи далолатнома лойиҳасини ўз ЭРИси билан тасдиқлайди ҳамда далолатнома давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) аризачига электрон шаклда юборилади.

Далолатномани тайёрлаш рад этилган тақдирда рад этиш тўғрисидаги хабарнома филиал бошлиғининг ЭРИси билан тасдиқланган ҳолда марказга (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) аризачига юборилади.

22. Давлат хизматлари маркази далолатнома ва кадастр режаси келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.

23. Далолатнома 3 иш куни мобайнида ҳуқуқ эгалари томонидан марказга келиб (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) идентификация қилиш воситалари (дактилоскопия ва бошқалар) орқали ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) ҳуқуқ эгаларининг ЭРИси билан келишилади.

Белгиланган муддатда далолатнома ҳуқуқ эгалари томонидан тасдиқланмаслиги далолатномани расмийлаштиришни рад этиш учун асос бўлади. Ушбу ҳолатларда ариза берувчи умумий тартибда давлат хизматидан фойдаланиш учун такроран мурожаат қилишга ҳақли.

24. Ҳуқуқ эгалари томонидан келишилган далолатнома ва унга илова қилинган электрон шаклдаги кадастр режаси давлат хизматлари маркази томонидан реал вақт режимида, ЯИДХП ёки веб-сайт орқали мурожаат қилинганда эса автоматик тарзда туман (шаҳар) қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимларига келишиш учун юборилади.

25. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари далолатнома ва унга илова қилинган электрон шаклдаги кадастр режаси келиб тушгандан сўнг уч иш куни ичида ер участкаси жойлашган жойида кўчмас мулкни ушбу Регламентнинг 6-банди ва 7-бандининг “а”, “б”, “в”, “г” кичик бандларида кўрсатилган талаблар асосида бирлаштириш имкониятини ўрганган ҳолда далолатномани келишади ёки рад этишнинг аниқ сабабларини ва тегишли қонунчилик ҳужжатлари нормаларини кўрсатган ҳолда уни рад этади.

Далолатномани келишиш ёки рад этиш қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимининг ЭРИси билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

26. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари далолатномани келишган ёки рад этган куни далолатнома ва ер чегаралари кадастр режаси ёки рад этиш ҳақидаги хабарномани электрон шаклда давлат хизматлари марказига (ўзи келиб мурожаат қилган тақдирда) ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали (электрон шаклда мурожаат қилган тақдирда) юборди.

27. Давлат хизматлари марказига далолатнома ёки далолатнома тайёрлашни рад этиш ҳақида хабарнома келиб тушган тақдирда, марказ хабарнома келиб тушгандан сўнг реал вақт режимида бу ҳақда ахборот-коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.

Аризани кўриб чиқиш натижалари асосида QR-код (матрицали штрих-код) қўйиб берилган электрон ҳужжатлар асл ҳужжатларга тенглаштирилади.

28. Қуйидагилар давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади:

ушбу Регламентнинг 2, 3, 6 ва 7-бандларида назарда тутилган талабларга мувофиқ эмаслиги;

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши;

далолатнома ҳуқуқ эгалари томонидан белгиланган муддатда имзоланмаганлиги;

ер участкаси ва унда жойлашган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги;

кўчмас мулкнинг ҳақиқий ҳолати кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар давлат реестридаги маълумотлардан фарқ қилиши;

филиал ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари вакилига кўчмас мулкни кўздан кечириш учун имконият яратилмаганлиги;

кўчмас мулкнинг ҳуқуқ эгаларидан бири далолатномани имзолашдан бош тортганлиги;

давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу кўчмас мулк объектининг мансублиги масаласида низолар борлигидан далолат берувчи суд ҳужжатлари ва сўровномаларининг мавжудлиги;

ваколатли орган томонидан кўчмас мулк объектига тақиқ ёки хатлов қўйилганлиги;

ер участкасида мулк ҳуқуқи асосида давлат рўйхатидан ўтказилган бино ва иншоотлар мавжуд эмаслиги, ер участкаси мулк ҳуқуқида бўлган ер участкалари бундан мустасно.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асосларга кўра рад этиш қатъиян тақиқланади.

29. Ариза берувчи давлат хизмати кўрсатилиши рад этилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида давлат хизмати кўрсатиш учун йиғимни тўламасдан, кўрсатилган камчиликни бартараф этган ҳолда қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат хизматини такроран кўрсатишда филиаллар ва қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан аввалги рад этиш асосларида баён этилмаган сабабларнинг келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал кўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабабларининг келтирилиши бундан мустасно.

Қайта мурожаат этилганда кейинги мурожаатлар ушбу Регламентга асосан умумий тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

30. Давлат хизматлари марказлари, филиаллар ҳамда қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида олинган ариза берувчи ҳақидаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлаши шарт.

31. Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мазкур Регламент талаблари ижроси бўйича фаолиятини, шу жумладан, ЯИДХП орқали доимий назорат ва мониторинг қилиб боради.

32. Ариза берувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

33. Ушбу Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги
чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
1-ИЛОВА

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи (Кўчмас мулкларнинг ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг вакиллари)	Маълумотнома олиш учун давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этади ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ёки Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг расмий веб-сайти (кейинги ўринларда – веб-сайт) орқали рўйхатдан ўтади ҳамда белгиланган миқдордаги тўловни амалга оширади.	Хоҳишга кўра
2-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали 3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг расмий веб- сайти	Сўровномани Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси тегишли туман (шаҳар) филиали (кейинги ўринларда – филиал)га юборади.	Реал вақт режимида
3-босқич	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари	1. Кўчмас мулклар жойлашган жойида кўчмас мулкларни бирлаштириш имкониятини ўрганади ва абрис тайёрлайди ҳамда ўрганишлар ва абрисга асосан кўчмас мулкнинг кадастр режаси илова қилинган Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг	10 иш кунида

	палатаси туман (шаҳар) филиали	янги чегараларини белгилаш далолатномаси (кейинги ўринларда – далолатнома)ни тайёрлайди ва уни давлат хизматлари марказига юборади. 2. Далолатнома расмийлаштиришни рад этади.	
4-босқич	Давлат хизматлари маркази	Далолатнома ва кўчмас мулкнинг кадастр режаси келиб тушганлиги ҳақида ахборот- коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.	Реал вақт режимида
5-босқич	Ариза берувчи (Кўчмас мулкларнинг ҳуқуқ эгалари ёки уларнинг вакиллари)	Давлат хизматлари марказига келиб идентификация қилиш воситалари орқали ёки ЯИДХП ёхуд веб-сайт орқали ҳуқуқ эгаларининг ЭРИси билан далолатномани келишади.	3 иш куни
6-босқич	1. Давлат хизматлари маркази 2. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали 3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлигининг расмий веб- сайти	Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни келишиш учун қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимига юборади.	Реал вақт режимида
7-босқич	Қурилиш ва уй- жой коммунал хўжалиги вазирлиги туман (шаҳар) қурилиш ва уй- жой коммунал хўжалиги бўлимлари	1. Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни келишади ва уни давлат хизматлари марказига юборади. 2. Далолатнома ва унга илова қилинган ҳужжатларни келишишни рад этади.	3 иш куни

8-босқич	Давлат хизматлари маркази	Далолатнома ёки далолатномани тайёрлашни рад этиш ҳақида хабарнома келиб тушганлиги ҳақида ахборот- коммуникация тизими орқали ариза берувчини хабардор қилади.	Реал вақт режимида
----------	---------------------------------	---	-----------------------

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги
чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

**Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

№ _____ йил
Мазкур _____ Давлат _____ кадастрлари _____ палатаси
_____ бошқармасининг _____ туман филиали,
_____ туман қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлимлари
вакиллари ва кўчмас мулк эгалари билан кўчмас мулкларни бирлаштириш
тўғрисида тузилди.

1. Бирлаштирилаётган кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар:

1.1. Кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқ эгалари: _____

Кўчмас мулклар жойлашган манзил: _____

Ер участкаларининг кадастр рақамлари: _____

Ер участкаларининг майдонлари (м²): _____

Ер участкалари чегараларини ўзгартиришга асос бўлган
ҳужжатлар: _____

Ер участкаларининг алоҳида хусусиятлари: _____

1.2. Кўчмас мулкларнинг ҳуқуқ эгалари: _____

Кўчмас мулклар жойлашган манзил: _____

Ер участкаларининг кадастр рақамлари: _____

Ер участкаларининг майдонлари (м²): _____

Ер участкалари чегараларини ўзгартиришга асос бўлган
ҳужжатлар: _____

Ер участкаларининг алоҳида хусусиятлари: _____

2. Кўчмас мулкларни жойида ўрганиш натижасида қуйидагилар
аниқланди:

Бирлаштирилаётган кўчмас мулклар Ўзбекистон Республикаси
Ер кодексининг 62-моддаси талабларига мувофиқлиги, яъни ер участкалари
ёхуд ундаги иморатнинг у ёки бу қисми коммунал хизматдан (ёритиш,
канализация, суғориш қурилмалари ва шу каби), кўчмас мулкларнинг эгалари
ёки ундан фойдаланувчилар эса мустақил равишда ўзича ёки транспортда
кириб-чиқиш имконидан маҳрум бўлиб қолмаслиги аниқланди ҳамда кўчмас
мулк эгаларининг ўзаро келишуви асосида кўчмас мулклар чегараларига
ўзгартириш киритилди.

3. Бирлаштирилган кўчмас мулк таркиби қуйидагилардан иборат:

3.1. Кўчмас мулк эгалари: _____

Кўчмас мулк жойлашган манзил: _____

Ер участкасининг кадастр рақами: _____

Ер участкасининг майдони (м²): _____

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар: _____

Кўчмас мулкнинг алоҳида хусусиятлари: _____

4. Ушбу далолатнома, унинг ажралмас қисми сифатида илова қилинган кўчмас мулк чегаралари кадастр режаси билан бирга ҳақиқий ҳисобланади.

5. Кўчмас мулкларнинг эгалари томонидан мазкур далолатноманинг тасдиқланганлиги, кейинчалик бирлаштирилган ер участкаси ва ундаги бино ва иншоотларга кадастр йиғмажилдини қайта шакллантириш ва кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос ҳисобланади.

ХУЛОСА:

Ер участкасига ўзгартириш киритилган кўчмас мулк мазкур далолатноманинг 3-бандида келтирилган таркибда алоҳида кўчмас мулк деб ҳисобланади.

Филиал бошлиғи

(Ф.И.О.)

Курилиш ва уй-жой коммунал
хўжалиги бўлими бошлиғи

(Ф.И.О.)

Филиал муҳандиси

(Ф.И.О.)

Кўчмас мулкка бўлган
ҳуқуқ эгалари

(Ф.И.О.)

(Ф.И.О.)

20__ йил “__” _____ тумани (шаҳри)

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги
чегараларини белгилаш далолатномасига
ИЛОВА

ЕР УЧАСТКАСИНИНГ КАДАСТР РЕЖАСИ

(юридик шахснинг тўлиқ номи ёки жисмоний шахснинг Ф.И.О.)

Кадастр рақами: _____

Ер участкасининг майдони: _____ га

Масштаб: _____

Ижрочи:

(имзоси, Ф.И.О.)

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси: _____

(имзоси, Ф.И.О.)

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси: _____

(имзоси, Ф.И.О.)

Ер участкасига бўлган ҳуқуқ эгаси: _____

(имзоси, Ф.И.О.)

Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги
чегараларини белгилаш бўйича давлат хизматлари
кўрсатишнинг маъмурий регламентига
3-ИЛОВА

(санаси)

(рақами)

**Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини
белгилаш тўғрисида
СЎРОВНОМА**

I. Ариза берувчи – жисмоний шахс тўғрисида маълумот:

1. Ф.И.О.:	
2. Паспорт маълумотлари (серияси ва рақами, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (мавжуд бўлса):	
3. Телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

I. Ариза берувчи — юридик шахс тўғрисида маълумот:

1. Расмий номи (тўлиқ):	
2. Жойлашган жойи:	
3. Телефон рақами:	
4. Электрон почта манзили (мавжуд бўлса):	

II. Кўчмас мулк объекти тўғрисида маълумот:

1. Кўчмас мулк объекти тури	якка тартибдаги турар жой; ер участкаси; нотурар жой;
2. Кўчмас мулк объекти номланиши: (нотурар жой тоифасидаги объектлар учун):	
3. Кўчмас мулк объекти манзили (индекс, манзил, мўлжал):	
4. Кўчмас мулкнинг кадастр рақами:	

”

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 25 августдаги 424-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг “бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон ва “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 5 апрелдаги ПҚ–4270-сон қарорлари)” 2019 йил 11 июндаги 478-сон қарорига илованинг 3-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини янада комплекс ривожлантириш чоралари ҳақида” 2019 йил 15 февралдаги ПҚ–4193-сон қарори)” 2019 йил 2 июлдаги 548-сон қарорига илованинг 26-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармони)” 2020 йил 1 апрелдаги 195-сон қарорига илованинг 9-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Кадастр соҳасида айрим давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 2 сентябрдаги 535-сон қарорига 6-илованинг 2-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарорига 3-илованинг 10-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 25 мартдаги 133-сон қарорига 5-илованинг 7-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2022 йил 20 апрелдаги 200-сон қарорига 8-илованинг 3-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2022 йил 8 июлдаги 375-сон қарорига 1-илованинг 17-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш, шунингдек, кадастр соҳасидаги айрим маъмурий тартиб-таомилларни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2022 йил 18 октябрдаги 610-сон қарорига 2-илованинг 7-банди.

